



“Расидклайман”  
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК  
директори  
Ш.Отаев

2022 й.

Энг яхши таклифларини техник **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдо- ри	Оферентлар		
<b>I. Тендерда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш.</b>					
<b>I - шакл</b> Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли зарур асбоб-ускуна ва анжомлар ва шунингдек асосий офиси борлиги. (20 балл)					
1.	Енгил автомашина – мавжуд булса (Техник паспорт илова қилган холда); (ижара шартнома асосида фойдаланилшагнда баллар 50% камайтиради)	2			
2.	Лойиҳа қидирув ишларини олиб боришда камида 8 дона зарур бўладиган махсус асбоблар мавжудлиги (нивелер, теодалит, лазерний метр ва бошқалар)	3			
3.	Лойиҳани ишлаб-чиқиш учун зарур бўладиган: Компьютер (жамланма) – 10 дона; Принтер, плоттер, сканер ва бошқа зарур. – 6 дона;	9			
4.	Лойиҳа қилиш учун махсус дастурлар – камида 4 та; (AutoCad, 3d Max, LIRA, ABC4 ва ҳақозо)	4			
5.	Лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли кўчмас мулк офиси борлиги (кадастр ҳужжатлари илова қилинган холда), ижара ёки бепул бинодан фойдаланиши юзасидан (Асословчи ҳужжатлар жумладан, ижара шартнома ёки бинодан офис сифатида фойдаланиб келинаётганлиги тўғрисида мулк эгасининг маълумотномаси илова қилинади) (ижара шартнома асосида фойдаланишганда баллар 50% камайтиради)	2			
<b>II - шакл</b> Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Кейинги 3 йилда ўхшаш объектлар бўйича бажарган ишлари, бундан олдинги бажарган ишларини ўз муддатда бажарганлиги лойиҳа ташкилот 2 ёки 3-тоифали бўлиши шарт, шунингдек махсус лицензия талаб қилинадиган ҳолларга эътибор қаратилади, (25 балл)					
1	Иштирокчининг кейинги 3 (уч) йилда ўхшаш объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларини сифатли бажарганлиги; (Тасдиқланган объекларнинг рўйхати ва шартномаси ҳамда ҳисоб-китоб фактураси)	12			
2.	Объектдан фойдаланувчилар томонидан эътирозлар бўлмаганлиги, шунингдек бундан олдин объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда (лойиҳа қидирув ишларини) ўз муддатида бажарганлиги.  (Лойиҳа ташкилоти томонидан объектларнинг лойиҳа-смета (лойиҳа-қидирув) ҳужжатлари шартномага асосан муддатида бажарилганлиги тўғрисида буюртмачи ташкилотлар томонидан берилган маълумотномалар)	8			
3.	Муддати ўтган ишлари бўлмаслиги, муаллифлик	5			

	назоратини ўз муддатларида юритганлиги алоҳида эътибор қаратилади. <i>(Муаллифлик нazorатини амалга ошириш бўйича камида 1 та ходимнинг малака сертификати мавжудлиги)</i>				
<b>III - шакл</b>					
<b>Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар. Танлов иштирокчисининг кейинги 3 (уч) йил ичидаги молиявий ҳолати, аудитор компанияси ёки солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботларини илова қилган ҳолда (асл нусха) (20 балл)</b>					
1.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (охирги бир ой ичида берилган банк тамонидан тасдиқланган маълумотномаси)	3			
2.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп	3			
3.	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати хизмат кўрсатувчи банк тамонидан тасдиқланган маълумотнома. Картотека-2	3			
4.	Танлов иштирокчисининг кейинги 3 (уч) йил ичидаги молиявий ҳолати корхона раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан тасдиқланган. <i>(Бош ҳисобчи мавжуд бўлмаган ҳолатда корхона раҳбари томонидан имзоланади)</i>	5			
5.	Солиқ органлари томонидан тасдиқланган қарздорлик тўғрисида маълумотнома (Солиқ оргони томонидан тасдиқланган)	3			
6.	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)	3			
<b>IV – шакл</b>					
<b>Танлов иштирокчиси тўғрисида маълумотлар. (Танлов иштирокчисининг ташкилий тузилмаси бўйича маълумот, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий ахборот, Лойиҳа ишларини олиб боришга лицензияга эгалиги, Қидирувишларини олиб боришга лицензияга эгалиги ёки қидирув ишларини олиб бориш учун лицензияга эга малакали ташкилот билан шартномаси мавжудлиги, Эгаллаб турган лавозими бўйича олий маълумотга эга ҳамда лавозимидаги иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 1 та раҳбар ходимлар борлиги, (20 балл)</b>					
1.	Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга камида 2 нафар лойиҳачи-муҳандислар ва иш бажарувчилар (ГИП, ГАП) борлиги,	10			
2.	Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга қидирув ишлари бўйича камида 2 нафар мутахассислар борлиги (шартнома асосида жалб этилган топосёмка геология ишлари учун),	4			
3.	Доимий асосда ишлайдиган камида 8 та малакали ходимлар борлиги ва диплом, паспорт нусхалари, ходимлар иш тажрибаси меҳнат дафтарчаси, my.gov.uz электрон тизимидан мазкур ойда олинган бўлиши керак	4			
4.	Шу жумладан охириги йилда малака оширган ишчилар сони-камида 1 та	2			
<b>V. Қурилиш майдонини кўрганлик ҳақида фото расмлар ва маълумот, (қурилиш майдони билан танишганлиги буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилот билан бирга туширилган расмлари билан) 15 балл</b>					
1.	Қурилиш майдонини кўрганлик ҳақида фото расмлар ва маълумот (15 балл) *Изоҳ маълумотнома бўлмаган тақдирда (10 балл)				

## Изоҳлар:

Танлов иштирокчиси янги ва реконструкция қилиш объектларнинг лойиха-смета (лойиха-қидирув) ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, мукамал тамъирлаш объектлари ёки жорий тамирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф куйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

-агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра, I ва II шакиллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари юқорида кўрастилган танлаш таклифларнинг мезонларига биноан баҳоланади.

### Комиссия раиси

Б.Сопаев



### Комиссия раиси ўринбосари:

М.Ходжаев



### Комиссия аъзолари:

Р.Машарипов



А.Худайбергенов



З.Боғибеков



### Комиссия ҳайъати котиби:

Д.Абдурахмонов



“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти қурилиш  
бошқармаси бошлиғи



Б.Каримов

2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти  
ҳокими ўринбосари



Б.Курбанов

2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК директори



Ш.Отаев

2022 йил

**Хива шаҳар 2-сон ихтисослаштирилган мактаби (Хива шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази), Боғот туман ихтисослаштирилган мактаби (46-сон умумий ўрта таълим мактаби), Хонқа туман ихтисослаштирилган мактаби (7-сон айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб), Тупроққалъа туман ихтисослаштирилган мактаби (5-сон умумий ўрта таълим мактаби) ва Хива шаҳар 1-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати (Болалар шаҳарчаси) объектларини реконструкция қилишга**

**Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун**

**ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ**

Урганч – 2022-йил

№	Асосий маълумотлар ва талаблар	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни.
1	Объект номи.	Ихтисослаштирилган мактабларни қайта қуриш
2	Объект манзили	Хоразм вилояти
3	Лойиҳалаштириш учун асос.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги “Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-106-сонли Фармони ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2022 йил 21 апрелдаги 174-12-0-Q/22-сонли қарорлари. Хоразм вилояти Қурилиш бош бошқармасининг 2022 йил _____ даги № _____ -сонли МРТ-I-II хужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Бош лойиҳачи.	Танлов савдолари натижалари билан белгиланади.
6	Бош пудратчи қурилиш ташкилоти	Танлов савдолари натижаларига асосан
7	Қурилиш ва реконструкция қилишнинг тахминий муддатлари.	2022-йилда бошланади. 2022-йилда тугалланади.
8	Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичли ишчи лойиҳа.
9	Қурилиш тури	Қайта қуриш (реконструкция).
10	Молиялаштириш манбаи.	Бюджет маблағлари.
11	Қурилиш майдони ҳақида маълумот ва режалаштириш чекловлари. Махсус геологик ва гидрогеологик шароитлар (қурилиш майдони характеристикаси)	Мухандислик-қидирув ишлари хулосасига биноан. Зилзила райони - __ балл Зилзилабардошлик - __ балл Тупроғи - _____ Тупроқни музлаш чуқурлиги - _____ м Шамол босими - _____ кгс/м <sup>2</sup> Қор қатлами оғирлиги - _____ кг/м <sup>2</sup> , ҳамда мухандислик изланишлари натижалари асосида
11.1	Турар жойлар, жамоатчилик бинолари, ободонлаштириш, мухандислик тармоқлари	Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиҳа таклифларида акс эттирилади.
12	Объектнинг асосий кўрсаткичлари ва бинонинг функционал мақсадига қўйиладиган талаблари.	Мавжуд қуввати <b>ўқ.ўрин</b> (қарорларнинг шловаларига қаранг) Лойиҳа қуввати <b>ўқ.ўринли</b> , ҳар бир синфда <b>24 нафар ўқувчидан, _____ та синф</b> шундан, аниқ <b>фанлар</b> учун _____ ўринли(____ та синф) ва табиий <b>фанлар</b> учун _____ ўринли (____ та синф) блокларга ажратиш учун стандарт лойиҳанинг мажбурийлиги ҳисобланади.  <b>Маъмурий-жамоат гуруҳи хоналари:</b> - ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг хонаси; - ўқитувчилар хонаси; - психолог хонаси; - кутубхонани китоб сақлаш ҳамда ўқиш зали билан бирга; - ўқув хоналари (24 ва 12 нафар ўқувчи ўрнига мўлжаллаш); - махсус дарс хоналар: физика, лингафон хонаси, тасвирий санъат ва расм чизиш. <b>2) Вестибюль гуруҳи:</b> - кўриқлаш хонаси; - вестибюль; - шахсий буюмларни сақлаш жойи (ўқувчилар учун алоҳида шкафлар ва бошқа мебеллар); - йўлак; - коворкинг зонаси(хоналар сонидан келиб чиққан ҳолда); - мажлислар зали; - ўқув устахоналари (қизлар ва ўғил болалар учун); <b>3) Ошхона блоки:</b> (____ ўринли) - Овқатланиш зали; - овқат тайёрлаш зали; - ошхона идиш-товокларини ювиш хонаси; - овқат тарқатиш жойи;

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- ходимлар хонаси.</li> <li><b>4) Хўжалик хоналар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- электрошит хонаси;</li> <li>- техник хона (бошқарув блоки);</li> <li>- сервер хонаси;</li> <li>- элеватор узел хонаси (агар шарт бўлса).</li> </ul> </li> <li><b>5) Тиббий бўлим:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- врач хонаси;</li> <li>- даволаш хонаси;</li> <li>- сан.узел.</li> </ul> </li> <li><b>6) 9x18, 12x24, 18x30 ўлчамли спорт зали:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- спорт зали;</li> <li>- кийим алмаштириш хоналари;</li> <li>- сан.узел;</li> <li>- мураббий хонаси;</li> <li>- спорт анжомларини сақлаш хонаси.</li> </ul> </li> <li><b>7) Фаоллар зали:</b></li> <li><b>8) Компьютер жиҳозлари ва интернет тармоғи.</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мактабнинг сервер хонасигача оптик толали интернет тармоғини тортиш;</li> <li>- компьютер синфлари локал тармоқга уланган бўлиши;</li> <li>- компьютер хонасини гигабит коммутатор (svitch) лар билан жиҳозлаш;</li> <li>- мактаб коридорларини wifi қурилмалари билан таъминлаш;</li> <li>- ҳар бир wifi қурилмалари локал тармоқга кабел орқали улаш;</li> <li>- ҳар бир wifi қурилмалари 2 та диапазонда (2.4 GGs, 5 GGs) ишлаш.</li> </ul> </li> <li><b>9) Видеокүзатув.</b> <p>Барча ўрнатиладиган видеокүзатув ҳамда киришни назорат қилиш қурилмалари Агентлик томонидан жорий қилинаётган Хавфсиз мактаб ахборот тизимига мослаш.</p> </li> </ul>
13	<b>Лойиха ечимларига қўйиладиган асосий талаблар</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни</b>
13.1	Архитектура-қурилиш, режалаштириш ва конструктив ечимлар, блокировка қилиш шартлари, бинони пардозлашга қўйиладиган талаблар	<p>Режалаштириш бўйича қарорлар биноларнинг мақсадларига мувофиқ, шунингдек, инсоляция, шамоллатиш тизимлари ва табиий ёритишни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни технологиясини ва функционал гуруҳлаштиришни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.</p> <p>Бажариладиган ишлар қизил чизикдан чиқмаган ҳолда бажарилади. Тасдиқланган худуднинг схемаси асосида худудни батафсил режалаштириш схемалари бош режа ишлаб чиқилади.</p> <p>Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар СанПИН, ҚМҚ, тегишли ташкилотларни техник шартлари асосида. Бош режа ва технологик лойиҳалари фойдаланувчи, буюртмачи ҳамда тегишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилиб лойиҳалаш ишлари бажарилсин.</p> <p>Лойиха ечими Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар (ҚМҚ, ШНҚ, техник шарт) асосида қабул қилинади.</p> <p>Яширин ҳолда бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини барча лойиҳаларда алоҳида узеллар билан кўрсатиш ;</p> <p>Зилзилабардошликни ошириш мақсадида қўлланиладиган узеллар барча лойиҳада алоҳида кўрсатилсин;</p> <p>СГ-1 (кладочная сетка) узелларда алоҳида акс эттириб кўрсатилсин ;</p> <p><b>Қуйидагилар назарда тутилсин (СанПИН, ШНҚ 4.01.16-09, ШНҚ 4.13.05-06, ШНҚ 4.13.09-06, ҚМҚ 2.04.05-97 ва бошқа):</b></p> <p><b>Қуйидагилар назарда тутилсин :</b></p> <p><b>Пойдевори-</b> куйма бетондан бажарилган. Пойдевор намликдан ҳимоя қатлами емирилишини назарда тутиб, ташқи ва ички ён юзалари намликдан ҳимояловчи материаллардан фойдаланиб, шамоллатиш туйиқчалари (продухлар) ўрнатиб лойиҳалансин;</p> <p><b>Деворлар</b> – Пишиқ ғиштдан лойиҳаланган. Ташқи деворларнинг қалинлиги иссиқлик муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида</p>

(ҚМҚ 02.01.04-2018 талаблари бўйича.

**Ташқи пардозлаш:**

**Фасадлар:** сифатли материаллар билан замонавий услубда ва дизайнда ишлаб чиқиш:

- цокол - фасадга мослаб лойихалаш;
- девор юзаси сувоқ, рангли буёқлаш “травертин”;
- бино парапети метал каркасли “Алюкобонд” ёки “Туникабонд”;
- Фасадни архитектуравий безашда бино ташқи деразалари четига пенополистирол ёки “Фебробетон”ли безаклардан фойдаланишни кўзда тутиш;
- Бинога кириш қисми – мавжуд айвонли зиналар, асосий кириш қисмида тамбур ва пандусларни нуқсонлар далолатномасига асосан лойихалаш;
- лойихачиларга бинонинг фасад қисмини пардозлаш ишларини лойихалаштиришда фойдаланиш учун фасад кўринишлари намунаси электрон шаклда тақдим қилинади;
- буюртмачи билан келишган ҳолда бинонинг фасад қисмини белгиланган тартибда базальт минвата билан утепления қилиш, плиталарни деворга ёпиштириш учун универсал ёпиштирувчиларни ишлатилишини хисоб-китоблар асосида лойихалаштириш;

**Ички пардозлаш:**

- **Шифт** - коридорларда, ўқув хоналарида, устахоналарда ва маъмурият хоналарида сувли бўёқ билан бўяш;
  - спорт зал шифти - сувли бўёқ билан бўяш ва рассомлар (художник) томонидан намуналарда кўрсатилган шакллар бажарилишини лойихалаштириш;
  - Деворлар** – синф хоналари, кутубхоналар, маъмурият хоналари, ўйин хоналари, коворкинг хоналарини ёрқин рангдаги сувли бўёқ билан бўяш, сўнгра акрил бўёқ билан бўёқлаш ва рассомлар (художник) томонидан намуналарда кўрсатилган шакллар бажарилишини лойихалаштириш;
  - лойихачиларга хоналарнинг ички пардозлаш ишларини лойихалаштириш учун хоналар кўринишининг электрон шакли тақдим қилинади;
  - электршит хонаси - оқлаш,
  - техник ва бошқа хоналар – ёрқин рангдаги акрил сувли бўёқлар билан бўёқлаш,
  - санузел деворларини мавжуд бўлса нуқсонлар далолатномасига асосан лойихалаш (h -1,5м баландликда керамик плиткалар билан қоплаш).
  - **эшиклар** – мавжуд эшиклар нуқсонлар далолатномасига асосан лойихалаштирилсин :
- Эшик ромларида қуйидагиларни этиборга олиш:
- Синф хоналарда камида қалинлиги 6,0 мм ва кенглиги 1,2 м МДФ материалдан тайёрланган ойнали,
  - ҳожатхоналарда - МДФ ёпик (глухой).
- архив, сервер хонаси, электр шит хонаси - ўтга чидамли материалдан эшикларни ўрнатиш;
- эшик қулфлари замонавий, бардошли ва сифатли.
  - ташқи витражлар алюминий профилдан.
  - фавқулотда ёнғин хавфсизлиги эшиклар лойихалашда амалдаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ.
  - ПВХдан тайёрланган; шамоллатиш тизими учун деразалар очгичлари мураккаб механизмли ёки фортичкали;
  - Ички дераза токчалари ПВХ дан
  - ташқи дераза токчалари руҳланган тунукадан;
  - Ташқи эшиклар ўз мақсади бўйича изоляцияланган .
  - **Поллар** – Нуқсонлар далолатномасига асосан лойихалансин. Синф хоналарида ва йўлакларда линолеумдан “Релин” плитус МДФ плитусдан; (1-қаватнинг поллари кўпикли полистирол ёки пинопласт билан изоляция қилиниши керак);
  - маъмурият хоналарида ламинат тахта. (1-қаватнинг поллари кўпикли полистирол ёки пенопласт билан изоляция қилиниши керак);

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- биринчи қават коридорлари, вестибюль ва холлар поллари сирпанмайдиган юзаси бўлган "Мрамор"</li> <li>- сан.узелларда поллар - керамик плиткалар, хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инобатга олиш, Генуя косасини пол сатҳидан бир қадам баландроқ ўрнатишни инобатга олиш.</li> <li>- спорт залида - спорт каучук рулонли материаллардан тайёрланган махсус қопламалар</li> <li>- хожатхона, душ - катта ўлчамдаги керамик плиткалар;</li> <li>- Техник. бинолар - бетон;</li> <li>- монолит зинапоаялар ва зинапоаялар - мрамор ёки оқ агломерат (битта бўлак), қадам қалинлиги 3,0 см, кўтаргичлар 2,0 см.</li> <li>- кириш зиналари майдончаси - мрамор</li> <li>-ўқув хоналарнинг пол қисмини пардозлашни лойиҳалаштиришда турли ранглардан фойдаланишни буюртмачи билан алоҳида келишиш топширилади.</li> <li>-лойиҳачиларга хоналарнинг полларини пардозлашни лойиҳалаштириши учун пол кўринишининг электрон шакли тақдим қилинади.</li> </ul>
13.2	<p>Конструктавий ечимлар, юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар материалларига қўйиладиган асосий талаблар</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳалаш ва конструктавий ечимларда замонавий лойиҳалаш ва қурилиш тажрибасини ҳисобга олиши керак.</li> <li>- Барча конструкция ва материаллар мавжуд стандартлар ва техник шартларга мос келиши ва экологик тоза материаллардан тайёрланиши керак.</li> <li>- Лойиҳани ишлаб чиқишда материалларга минимал таъсирни ҳисобга олган ҳолда технологик ечимларни қўллаш керак.</li> <li>- Танлашда меъморий жиҳатдан экспрессив, технологик ва энергия тежайдиган замонавий дизайн ва технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратиш керак.</li> <li>- Лойиҳа қарорларини амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш керак.</li> <li>- Бинолар конструкцияларини фавқулдда вазиятларда, шу жумладан ёнғин ва зилзилаларда прогрессив бузулишлардан ҳимоясини таъминлашни кўзда тутиш.</li> </ul> <p><b>Қўшимча ошхона биносини қуриб лойиҳалаш :</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- <b>Пойдевор</b> - қуйма темир-бетон;</li> <li>- <b>Деворлар</b> - пишиқ ғишт ёки ғовакли бетон (газбетон, пенобетон ва бошқалар) дан қилинган материаллар билан тўлдирилган қуйма темир-бетон каркас;</li> <li>- ташқи деворларнинг қалинлиги иссиқлик муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида олиниши керак (ҚМҚ 02.01.04-2018 бўйича, изоляцияция қилиб лойиҳалаш);</li> <li>- <b>Оралик ёпмалар</b> - тайёр ғовакли темир-бетон плиталар;</li> <li>- зинапоаялар - қуйма ёки йиғма темир-бетон;</li> <li>- <b>Том ёпмаси</b> – ёғоч каркасли, қалинлиги камида 0,5 мм бўлган бўялган гофротунука (профнастил) билан қопланган шамоллатиладиган.</li> <li>- томнинг иссиқлик изоляцияси - қалинлиги иссиқлик техникасини ҳисоблаш асосида кенгайтирилган полистирол ёки ёнғин-квартс кумидаги шиша толали плиталар;</li> <li>- Ёмғир сув қувури (водосток) - ташқи ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувури полимер қопламали рухланган метал қувурдан. Ёмғир сув қувурларини дренаж тизимининг ер ости дренажига чуқурлаштириш зарур.</li> <li><b>Эшиклар</b> – фаоллар зали қалинлиги 6,0 мм ва кенлиги 1,2 м МДФ материалдан тайёрланган, Ошхонада ўтга чидамли материаллардан тайёрланган эшиклар ўрнатиб лойиҳалаш ;</li> <li>-<b>Деразалар</b> - фаоллар зали, ошхона – акфадан лойиҳалансин ;</li> <li>-<b>Поллар</b> – фаоллар зали бетондан ;</li> <li>Ошхона поллар – катта ўлчамдаги керамик плиткалар,</li> <li>-<b>Ички пардозлаш</b> – Фаоллар зали охак-қум аралашмали сувоқ билан сувоқлаб шпаклёвка билан текислаб, замонавий дизайн услубларини тадбиқ қилиб ёрқин рангдаги сувли бўёқ билан бўяш, сўнгра акрил бўёқ билан бўёқлаш</li> </ul>



		<p>Ошхона деворлари - оҳак-қум аралашмали сувоқ билан сувоқлаб шпаклёвка билан текислаб, замонавий дизайн услубларини тадбиқ қилиб ёрқин рангдаги сувли бўёқ билан бўяш, сўнгра акрил бўёқ билан бўёқлаш, 1,5м баландликда керамик плиткалар билан қоплаш</p>
14	<p>Муҳандислик ва технологик жиҳозлар, муҳандислик тармоқлари билан таъминлашни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблар.</p>	<p>- Таъминот тармоқлари учун лойиҳавий ечимлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий илғор технологиялари ва ускуналаридан фойдаланишга йўналтирилган бўлиши керак.</p> <p><b>Лойиҳада қуйидагилар кўзда тутилиши керак:</b>  <b>Электр тизими:</b> Мавжуд электр тизимини нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳалаш ;  - энергияни тежаш учун ҳаракат сенсорли лампалар ўрнатиш;  - электр таъминотининг ишончлилик даражаси бўйича - II тоифа;  - энергия тежаш чора-тадбирлар;  - бинонинг электр ёритиш тизимини лойиҳалаштиришда ҚМҚ 2.01.05-98 ва ҚМҚ 2.04.17-98, шунингдек электр иншоотларининг амалдаги қоидаларига (ПУЕ) мувофиқ 3 тармоқли мис симдан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш, фавқулодда ёритишни таъминлаш. Заземления ва зануленияни кўзда тутиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ASKUE) кўзда тутиш.  - калитлар (виключател) ни пол сатхидан 0,90 м, розеткани 0,40 м баландликда ўрнатиш; Доска устига чироқларни ўрнатиш.  - 60x60 см ўлчамдаги (LED) ёритгич ва синф хоналарига доскаси юқорисига ёритгич ўрнатиш.  <b>Иситиш ва шамоллатиш: Нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳалаш :</b>  Мавжуд бинони иситиш тизимини лойиҳалаштиришда ўзининг модулли қозонхонасидан фойдаланиш. Насос ўрнатилиши билан битта қувурли тизим. Қувур ичидаги сувнинг совишини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изолатсиясини таъминлаш. Қувурлар девор остида (каналарида) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Радиаторлар-биметаллик (РАДИАТОРЫ БИМЕТАЛЛИЧЕСКИЕ).  Ускуналар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчилари "Бююртмачи" билан келишилган бўлиши керак. Хонадаги ҳаво ҳароратини ҳисобини амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ белгилаш.  Очилиш ойналари бўлган табиий шамоллатиш. Таъминот ва чиқинди вентиляциясини ўрнатиш.  Лойиҳалашда ҚМҚ 2.01.18-2000 * га энергия истеъмол қилишнинг янги стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.04.05-97 ва биноларни лойиҳалаш қўлланмасининг талабларига риоя қилинг.  <b>Сув таъминоти ва канализация:</b>  Сув таъминоти ҚМҚ 2.04.01-98 ва ҚМҚ 2.04.02-97 бўйича бажарилиши керак.  1. Ички совуқ сув таъминоти полипропилен (PP) асосидаги қувурлардан иборат бўлиши керак. Ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини шахталарда ётқизиш керак. Совуқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналарида) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Кириш жойида совуқ сув истеъмоли ҳисоблагичини инобатга олиш керак.  2. Ички иссиқ сув таъминоти тизими полипропилен (PP) асосидаги қувурлардан тайёрланиши керак. Ички ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини ётқизиш шахталарда амалга оширилиши керак. Иссиқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналарида) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Қувур ичидаги сувнинг совишини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш.  3. Ички сув таъминоти ва ичимлик суви таъминотини ёнғинга қарши сув таъминоти билан таъминлаш. Агар ташқи бирлаштирилган коммунал ва ичимлик суви таъминотидаги</p>

		<p>босим ёнгинни ўчириш эҳтиёжлари учун этарли бўлмаса, у ҳолда ёнгинга қарши насос станциясини таъминлаш. Ёнгинга қарши сув таъминоти тизими ГОСТ 10704-91 бўйича пўлат қувурлардан ясалган. Ёнгинга қарши сув таъминоти тизимининг асосий қувурларини шаҳталарда ётқизиш. Биноларда қувурларни ётқизиш оралиқ ёпмалар остига ва сохта шипнинг (подшивним потолком) орқасида амалга оширилиши керак.</p> <p>4. Канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 ва ҚМҚ 2.04.03-97 га мувофиқ амалга оширилиши керак. Ички канализация тармоқлари юқори қувват ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган ПВХ қувурларидан тайёрланиши керак. Канализация қувурларини шаҳталарга ётқизиш. Канализация тармоқларини ташқи канализация тармоғига улаш. Тиқилиб қолиши мумкин бўлган жойларда канализация қувурларини қайта кўриб чиқиш ва тозалаш имкониятини таъминлаш.</p> <p>- Сан.узел хоналарида хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инobatга олиш, Генуя косасини пол сатҳидан бир қадам баландроқ ўрнатишни инobatга олиш. Ювиниш мосламаларини ўрнатишда бир бутунли пол сатҳидан чиқувчи умывальниклардан фойдаланиш.</p> <p>5. Ташқарида ташкиллаштирилган дренажни кўзда тутиш. Дренаж қувурларини бинонинг ташқи деворлари бўйлаб ётқизиш. Ёмғир сув қувурлари рангларини танлашда бино фасад қисми рангига уйғунлашган ҳолда танлаш лозим. Совуқ даврда қувурларда сувнинг музлашини олдини олиш мақсадида қувурларни иситиш тизимини кўзда тутиш лозим. Ёмғир сув қувурларини қалинлиги камида 0,5 мм ва диаметри камида 100 мм бўлган руҳланган тунукадан ясалган қувурлардан тайёрланиши керак.</p> <p><b>Мажмуавий хавфсизлик тизими:</b> Амалдаги меъёр ва талабларга мувофиқ лойиҳада бинонинг ёнгин хабарлаш ва огоҳлантириш тизими, видеокузатув билан жиҳозланиши назарда тутилиши керак.</p> <p><b>Ёнгин ўчириш тизими:</b> Лойиҳалаштиришда амалдаги меъёрлар "Ёнгиндан ҳимоя қилиш тизимлари. Автоматик ёнгиндан хабарлаш ва ёнгин ўчириш мосламалари"га мувофиқ ШНК 2.04.09-07 "Бино ва иншоотлар ёнгин автоматикаси" талаблари асосида амалга ошириш. Ҳисоб-китобга кўра насосли ёнгин хавфсизлик идиши (ёмкост) ни назарда тутиш.</p> <p><b>Кучсиз ток тизимлари:</b> "Интернет" тармоқларига улаш, ёнгин хавфсизлик ва хабарлаш тизими. Ёнгин хавфсизлиги талаблари ШНК 2.01-04 бўйича бажарилиши керак</p>
15	Энергия самарадорлиги	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2011 йилдаги 161-сонли қарорига мувофиқ объектнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича замонавий инновацион ечимларни тақдим этиш. Лампаларни энергияни тежайдиган лампалар, замонавий иссиқлик изоляция материаллари ва иккита камерали ойнали ПВХ деразалардан фойдаланишни таъминлаш.</p>
16	Мактаб майдонини ободонлаштириш.	<p>Бинолардан холи бўлган ва ободонлаштириш учун мўлжалланган мактаб майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳасини амалга ошириш.</p> <p>Худудда ободонлаштириш ишларининг қуйидаги турларини таъминланг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мактаб худудини периметри бўйича ўраш : Мавжуд бўлса нуқсонлар далолатномасига асосан таъмирлаш</li> <li>1) металл, панжара;</li> <li>- дам олиш жойлари;</li> <li>- 12мх24м ўчамдаги мактаб мини стадиони (думалоқ югуриш йўлаги, спорт ўйинлари учун бирлаштирилган майдон, сакраш сектори билан);</li> <li>- асфальт ёки бетон қопламали транспорт йўллари, шу жумладан</li> </ul>

		<p>ёнғин хавфсизлик техникаси учун;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- пидедалар учун бетон йўлаклар;</li> <li>- худудни ташқи ёритилиш тизими светодиодли лампа билан.</li> </ul>
17	Технологик ечимлар ва ускуналар	<p>Кутубхонанинг ўқиш залида даврий нашрларни, болалар учун бадиий адабиётларни очиқ сақлашни таъминлаш.</p> <p>-Ошхона, овқат хонаси жиҳозлари ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда таъминланиши керак.</p>
18	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш	Атроф муҳитга таъсир баёнолари (ЗВОС) лойиҳасини ишлаб чиқиш
19	Ҳаракати чекланган шахслар учун яшаш шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	ШНҚ 2.07.02-07 ни ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатланиш имконияти чекланган шахслар (ногиронлар ва бошқалар) аҳоли гуруҳлари учун қулай киришни таъминлаш чораларини кўриш, ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш.
20	Вазирликлар ва идоралар билан мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида кўрсатма	Лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартибда барча манфаатдор ташкилотлар билан келишиш.
21	Намойиш материалларини тайёрлаш	Бинонинг бош режаси ва фасади шунингдек ички (ўқув хоналари, йўлаклар, вестибюль, заллар, спорт зали, фаоллар зали, кутубхона, Стеем-лаборатория, йўлак, қабулхона, санитария бўлими) безак дизайни альбомини замонавий дизайн элементларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш.
22	Лойиҳа ечимларини келишиш.	<p>Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиҳа тақлифлари акс эттирилади</p> <p>Объектларнинг лойиҳалари вилоят архитектура бошқармаси, туман (шаҳар) санитария–эпидемиология осойишталик маркази ва туман (шаҳар) фавқулудда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шарт берган ташкилотлар ва шу жумладан буюртмачи билан келишади.</p>
22.1	Лойиҳалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак;</li> <li>-лоийиҳа-смета ҳужжатларида йўл қўйилган хато-камчиликлар лойиҳачи ташкилот томонидан бартараф қилинади. Лойиҳа билан смета ҳужжатлари ўртасидаги тафовутлар, иш ҳажмлари тўғри келмаслик ҳолатлари учраса лойиҳачи ташкилот ўз маблағлари ҳисобидан тўғриланади</li> <li>- ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига шаффоф тизим орқали ижобий хулосаларни олишда экспертлар томонидан бериладиган кўрсатмаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш лойиҳачи ташкилот ва унинг тегишли бўлимлари мутахассислари томонидан ўз вақтида бажарилиши керак бўлади;</li> <li>-ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида бажариладиган иш ҳажми кўрсаткичлари сметага киритилган иш ҳажмига мослиги учун лойиҳачи жавобгар ҳисобланиб, юқоридаги ҳолатлар аниқланганда ишларни бажаришга талаб этиладиган маблағлар лойиҳачининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади;</li> <li>-смета ҳужжатларини тасдиқланган стандартларга мувофиқ режалаштирилган қурилиш муддатига тўғри келадиган нархлар бўйича амалдаги нархлар тартибига мувофиқ ишлаб чиқиш;</li> <li>- Иш ҳужжатлари 1 нусхада экспертизага топшириш учун Буюртмачига берилади.</li> </ul> <p>Лойиҳачи ташкилот экспертиза давомида дизайн ечимларини ҳимоя қилишни таъминлайди.</p> <p>Лойиҳа смета ҳужжатлари ШНҚ 1.03.01-2016 "Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш" га мувофиқ буюртмачига уч нусхада ва электрон шаклда берилади. Буюртмачи тасдиқловчи ташкилотларнинг хизматлари ва экспертизаси учун ҳақ тўлайди.</p>
23	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қоидалар ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

24	Буюртмачига тақдим этиладиган хужжатлар	Тайёрланган барча лойиҳалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиҳа, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 1 (бир) нусхада, -электрон версияси (диск) билан.
----	---	--

**“Буюртмачи”**  
“ЯБХИК” бош муҳандиси:



Б.Сапаев

**“Буюртмачи”**  
“ЯБХ”ИК лойиҳа бўлими бошлиғи



М.Ходжаев

**“Буюртмачи”**  
“ЯБХ”ИК лойиҳа бўлими етакчи мутахассиси



Отажонов К.